



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 13 октябрь, № 198 (5365)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Географик объектларнинг номлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қондалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади географик объектларнинг номлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган географик объектлар номларининг улардан Ўзбекистон Республикасида фойдаланишга доир қисмига ҳам таъбиқ этилади.

#### 2-модда. Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**географик объектлар** — Ернинг ҳозирда ёки ўтмишда мавжуд бўлган ҳамда муайян ўрнашган жойи билан тавсифланадиган, келиб чиқishi табиий ёки сунъий бўлган яхлит ва нисбатан барқарор ҳосиллари. Улар жумласига: маъмурий-худудий бирликларнинг (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар); аҳоли пунктлари ва уларнинг тарихий қисмлари (маҳаллалар, шоҳқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар); транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектлари (темир йўл станциялари, автостанциялар, метрополитен станциялари, вокзаллар, аэропортлар, портлар, пристанлар, кўприклар, разъездлар, йўллар, каналлар, сув омборлари, тўғонлар, дамбалар); табиий объектлар (дарёлар, кўллар, музликлар, текисликлар, тоғлар, тоғ тизмалари, горлар, чўллар, водийлар, даралар, муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар, ёнбағирлар, фойдали қазилмалар қонлари) ва бошқа шу каби объектлар кирди;

**географик объектларнинг номлари** — географик объектларнинг уларни фарқлаш ва аниқлаш учун фойдаланиладиган ўз номлари;

**географик объектнинг номини белгилаш** — янада нормаллаштириш мақсадида географик объектнинг номини аниқлаш;

**географик объектнинг номини нормаллаштириш** — географик объектнинг энг кўп фойдаланиладиган ва энг мақбул номини танлаш, ушбу ном ёзилмаган шаклини белгилаш ҳамда тасдиқлаш;

**географик объектнинг номини ўзгартириш** — географик объектнинг ҳозирги номини ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ўзгартириш;

**географик объектларнинг номлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Ергеодезадастр давлат қўмитаси);

**географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг давлат экспертизаси** — географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини

аниқлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ергеодезадастр давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган топономик, этнографик, лингвистик, картографик ва бошқа тадқиқотлар мажмуи.

#### 4-модда. Географик объектларнинг номларига доир талаблар

Географик объектга берилаётган ном: географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши; мазкур географик объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши; маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиши; қоида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши; ушбу Қонун б-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ бўлиши керак. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига одамларнинг исми-шарифини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди.

Кўчалар, шоҳқўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғларга ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига айрим одамлар, жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шарифини беришга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар бундан мустасно.

Ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилаётган географик объектлар уларни ташкил этиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар билан ушбу Қонун талабларига мувофиқ ном берилади.

Маъмурий-худудий бирликларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг маъмурий марказлари номидан, ушбу маъмурий-худудий бирликлар жойлашган ҳудуд қисмининг географик ёки тарихий номидан ҳосил бўлиши лозим. Транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларининг, шу жумладан аэропортлар, вокзаллар, портлар, пристанлар, разъездлар, темир йўл станцияларининг ва бошқа объектларнинг номлари, қоида тариқасида, уларнинг ёнида жойлашган аҳоли пунктларининг ёки улар таркибий қисмларининг, бошқа географик объектларнинг номларидан ҳосил бўлиши керак.

Куйидагиларга айнан бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси доирасидаги вилоятлар, туманлар, шаҳарларга; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар доирасидаги шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларга; бир туман, шаҳар ёки аҳоли пункти доирасидаги бир нечта турдош географик объектларга.

#### 5-модда. Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга доир талаблар

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга куйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

географик объектнинг белгиланган мақсади жиддий тарзда ўзгарганда; айрим географик объектларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда;

агар географик объект географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган қисқартма сўз, рақам ёки сўз бирикмаси билан белгиланган бўлса;

географик объектларга ушбу Қонун 4-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган шахслар исми-шарифини бериш зарур бўлганда;

географик объектларнинг ушбу Қонун 4-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган бир хил номлари мавжуд бўлганда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги 3561-ХI-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 1671-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда) **22-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«22-модда.** Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади».

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕК ТОЛАСИНИНГ ШУҲРАТИ

Йилдан-йилга тобора ошиб, жаҳон бозорида катта талаб ва юксак нуфузга эга бўлмоқда



Кеча пойтахтимизда VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўз ишини бошлади.

Халқаро пахта бозорининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган Ўзбекистон дунё пахта ва тўқимачилик саноати мутахассислари, олимлар, йирик савдо компаниялари вакиллари ва трейдерларни яна Тошкентда жамлади.



Улар икки кун мобайнида республикамиз пахта ва тўқимачилик саноати, юртимиз пахтачилик тармоғини ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишибгина қолмай, балки давра суҳбатлари ва савдо биржаларида иштирок этиб, Ўзбек толаси ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини воситачиларсиз тўғридан-тўғри сотиб олиш бўйича

шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар. Шу боис Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилган мазкур тадбирнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб, чин маънода ўзбек пахтасининг жаҳоний бозорига айланди. Еттинчи бор ўтказиладиган форумда дунёнинг 38 мамлакатидан 330 га яқин компания, 660 дан ортиқ

хорижий ҳамкорлар қатнашаётгани бунинг яққол далилидир.

«Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари» VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида таъкидланганидек, бугун жаҳон пахта бозорида кескин рақобат вужудга келган. Аммо бу ҳол ўзбек толаси савдосига салбий

таъсирини кўрсатаётгани йўқ. Аксинча, унга бўлган талаб тобора ортмоқда. Мамлакатимиз пахта экспорти бўйича етакчилар сафида эканлиги, ярмарка доирасида ҳар йили катта ҳажмда тола савдоси бўйича шартномалар имзоланаётгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).

## АҚЛ-ИДРОК ВА МАНТИҚҚА ЗИД ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР

Шу кунларда оммавий ахборот воситаларига Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши бўйича халқаро экспертиза ўтказиш ва ушбу қурилишнинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш борасидаги ишларнинг аҳоли тўғрисида кўплаб маълумотлар келмоқда. Бу экспертиза Жаҳон банкининг буюртмасига асосан, «Коин ва Белье», «ELC Electronconsult SpA», «IPA Energy+Water Consulting» компанияларидан иборат халқаро консорциум томонидан амалга оширилмоқда.

Тўғони дунёдаги энг баланд — 335 метр бўладиган Роғун гидростанцияси қурилиши қўшни давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятини катта ташвишга солаётгани туфайли ушбу қурилиш лойиҳасини ҳолисона ва мустакил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурати туғилди. Негаки, ўтган асрнинг 70-йилларида тайёрланган бу лойиҳа аллақачон эскирган, боз устига, ушбу қурилиш жойи сифатида Амударёнинг юқори қисмидаги 8-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб турадиган тоғли зона танланган. Мазкур гигант комплекснинг бундай хавfli ҳудудда қурилиши бир қанча экологик, техноген ва иқтисодий муаммо ҳамда офатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган Тожикистон ҳукумати ва давлат тузилмалари вакиллари билан ишлаш жараёнида консорциум мутахассисларини ҳайрон қолдирган таассурот пайдо бўлди. Тожикистон Республикаси раҳбарияти юқорида қайд этилган ташвишли далил-исботлар ва ишлаб чиқилаётган техник-иқтисодий асоснинг яқуний хулосаларига қарамай, қайсарлик билан ҳаддан зиёд баланд тўғонли ушбу лойиҳанинг дастлабки концепциясини амалга оширишга уринишлардан ҳамон воз кечмаётир.

Иншоот қурилишини молиялаштириш масала-

лари, шунингдек, катта миқдорда маблағ сарфлашни талаб қиладиган мазкур қурилишни амалга ошириш имконини бермайдиган мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳоли Тожикистон раҳбариятини муллоқо ташвишга солаётгани йўқ. Мамлакатда техник-иқтисодий асоси ҳали охиригача етказилмаган ушбу лойиҳа катта чираниш билан тинимсиз тарғиб қилинмоқда.

Консорциум билан Тожикистон томони ўртасида тўғоннинг пойдеворини тупроқни зондлаш услубидеда текшириш бўйича жиддий келишмовчиликлар мавжуд. Дастлабки ўрганиш пайтида мавжуд ҳолатни янада синчковлик билан ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб этадиган ҳижатлар аниқланди. Жумладан, нураган ва мўрт зоналарнинг беҳад кўплиги сабабли ушбу участкани тоғ жинслари, сув сатҳи ва бошқа омиллар нуктаи назардан чуқурроқ ўрганиш мақсадида тўғон пойдеворининг куйи ва устки қисмларини янада батафсил текшириш зарур.

Халқаро экспертларнинг қатъий эътирозларига қарамай, экспертларнинг яқуний хулосасини кутмасдан, шу йилнинг ўзидеда Роғун ГЭСи қурилишининг биринчи босқичини, яъни тўғоннинг 120 метрлик қисмини қуриш ва бу билан бутун халқаро ҳамжамиятни мураккаб аҳволда қолдириш истига Тожикистон

раҳбариятининг бошини айлантириб қўйган. Халқаро консорциум вакиллари тўғон қуриладиган ернинг юза қисмида бир неча кудуқлар қазиб ва кавлаш пайтида олинган тоғ жинсларини механик синновдан ўтказишни талаб қилмоқда. Бу эса қуриладиган пойдевор мустаҳкамлигини аниқлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

«Барки тоқич» ОАХК дастлаб мазкур ишларни консорциум мутахассисларининг аниқлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

«Барки тоқич» ОАХК дастлаб мазкур ишларни консорциум мутахассисларининг аниқлашнинг зарур шарти ҳисобланади. Бироқ консорциум шартнома шартларини бажаришни ва ўз экспертларининг мазкур тадқиқотларда иштирок этишини талаб қилмоқда. Тожикистон ҳукуматининг масалага бундай ёндашишнинг сабаби, эронлик пудратчилар Тожикистон раҳбариятига маъқул келадиган хулосани беришига ишончи катта.

Тожикистон Республикасининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича асосий ва бир томонлама позицияси, Жаҳон банкининг лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси бўйича яқуний хулосаларни олмуғача ГЭС қурилишини бошламаслик ва ҳеч қандай ишларни амалга оширмаслик зарурлиги тўғрисидаги тавсияларини Тожикистон томонининг бажармаётгани вазиятни янада мураккаб-лаштирмоқда ҳамда экспертизани давом эттириш мақ-

садга мувофиқлигини шубҳа остига қўймоқда.

Маълумотларга кўра, Роғун ГЭСи қурилиши ишларини фаоллаштириш учун қўшимча ишчи кучини сафарбар этиш давом этмоқда. Ҳозир у ерда қарийб 2,5 минг киши қурилиш ишларига жалб қилинган.

Табиийки, Тожикистоннинг Жаҳон банки томонидан қиммасига ҳолисона халқаро экспертиза ўтказиш вазифаси юкланган компанияларнинг оқилона далил-исботлари билан ҳисоблашмасдан бу лойиҳани амалга ошириш бўйича бундай агрессив ёндашуви ҳар қандай соғлом фикрли кишида таассуф уйғотади. Бу мазкур мамлакат раҳбариятининг миллионлаб одамлар ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган фожиали оқибатларни эътиборга олмаб, қандай йўллар билан бўлмасин, Роғун ГЭСи қурилишини амалга ошириш билан боғлиқ гоа миясига ўрнашиб қолганининг яна бир исботидир.

Юзга келган бундай қалтис вазиюда Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича аллақачон эскирган лойиҳани амалга ошириш ҳаддан ташқари фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги бир неча бор қатъий оғохлантиришларни андишасизлик билан инкор этишга уринишлари, биринчи навбатда, Жаҳон банки ва халқаро ҳамжамият томонидан тегишли равишда баҳоланади, деб умид қиламиз. Зеро, рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган фожиали воқеалар ҳеч қачон ҳақиқатга айланмаслиги керак.

### Анжуман

Пойтахтимизда жорий йилнинг 19 — 25 октябрь кунлари ўтказиладиган мўлжалланаётган «Олтин гепард» Биринчи Тошкент Халқаро кинофоруми олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

### ХАЛҚАРО КИНОФОРУМГА ТАРАДУА

Таниқли киношунос ва санъатшунослар, режиссёр ҳамда актёрлар иштирок этган анжуманда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган энг ушлар миллий кино санъатининг изчил ривожланишида муҳим омили бўлаётгани таъкидланди.

Миллий санъатимизнинг бетакрор аънава ва мактабларини асраб-авайлаш, уни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш, ижодкорлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур жамғарма ҳамда «Ўзбекистон» миллий агентлиги томонидан илк мартаба ташкил этилаётган кинофорум миллий кинематографиямизнинг ривожланиши босқичи, шунингдек, жаҳон киносининг сара асарлари билан танишиш имконини беради. Унинг танловлар дастурида юртимиз киноижодкорлари томонидан яратилган тўлиқ ва қисқа метражли бадиий ҳамда анимацион фильмлардан ташқари, Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг 50 га яқин мамлакат вакилларининг ҳам шу йўналишдаги асарлари кўриб чиқилиб, муносиблари саралаб олинди.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Географик объектларнинг номлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

**6-модда. Географик объектларнинг номларини белгилаш**

Географик объектларнинг номлари худудни картография қилиш, топонимик тадқиқотлар ўтказиш вақтида, шунинг-дек географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрланаётганда: тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳужжатлари;

расмий картографик ҳамда маълумотнома нашрларининг, статистик, архивга оид, тарихий ва бошқа манбаларнинг маълумотлари;

маҳаллий аҳоли, шунингдек ўлкашунослар, географлар, тарихчилар ва бошқа мутахассислар ўртасида сўровлар ўтказиш асосида белгиланади.

Географик объектларнинг номларини белгилашда: маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади;

географик объектлар номларининг янглишишга олиб келувчи ўхшашлиги, ушбу номларнинг ҳурматсизлик мазмунига бўлиши, Ўзбекистон халқининг тарихи, анъаналари ва маданияти билан номувофиқлиги истисно этилади.

**2-боб. Давлат органларининг географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришга доир ваколатлари ҳамда вазифалари**

**7-модда. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш**

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари илтимосномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қиритган тақлифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссия (бундан буён матнда республика комиссияси деб юритилади) тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг туманлар, шаҳарлар, вилоятларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ёки уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақлифларини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

**8-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш**

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақлифига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва улар номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасига топширади. Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса географик объекта ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлиф қиритган туман, шаҳар ҳокимига юборилади.

Туман, шаҳар ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўриб чиқиши учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси туман, шаҳар ҳокимининг тақлифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

**9-модда. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш**

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш туманлар ҳокимларининг тақлифига кўра халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ҳамда уларнинг таркибий қисмларига ном бериш ва улар-

нинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқиш учун вилоятлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича вилоятлар комиссиялари (бундан буён матнда вилоят комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман ҳокими маҳаллий аҳоли, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан бирга хулоса олиш учун вилоят комиссиясига юборади.

Вилоят комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасига топширади. Вилоят комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса географик объекта ном бериш ва унинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлиф қиритган туман ҳокимига юборилади.

Туман ҳокими вилоят комиссиясининг хулосасига мувофиқ географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши кўриб чиқиши учун киритади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши туман ҳокимининг тақлифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

**10-модда. Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш**

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг илтимосномалари асосида туманлар, шаҳарлар ҳокимлари қиритган тақлифга кўра халқ депутатлари туманлар, шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Шаҳарлар таркибига кирувчи туманларда тақлифлар туманлар ҳокимлари томонидан халқ депутатлари шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича туманлар, шаҳарлар комиссиялари (бундан буён матнда туман, шаҳар комиссияси деб юритилади) тузилади.

Туман, шаҳар ҳокими фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқади ҳамда уларни зарур ҳужжатлар билан бирга тақлифлар тайёрлаш учун туман, шаҳар комиссиясига юборади.

Туман, шаҳар комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан кўриб чиқади, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритиш учун тақлифлар тайёрлайди ҳамда уларни туман, шаҳар ҳокимига юборади.

Туман, шаҳар ҳокими аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги туман, шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилган тақлифларни тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясига киритади, комиссия тайёрланган материаллар географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади ва тегишли хулоса беради.

Туман, шаҳар ҳокими тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар комиссиясининг хулосасига мувофиқ аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга) ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисида тақлиф тайёрлайди ҳамда уни халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши кўриб чиқиши учун киритади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши туман, шаҳар ҳокимининг тақлифини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

**11-модда. Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш**

Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ҳамда уларнинг номларини ўзгартириш давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тақлифига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни кўриб чиқиш республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тақлифларини кўриб чиқиш учун қабул қилади ҳамда уларни тегишли ҳужжатлар билан хулоса олиш учун республика комиссиясига юборади.

Республика комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги нўқтаи назаридан уларни давлат экспертизасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасига топширади. Республика комиссияси ўтказилган иш якунларига кўра ҳамда давлат экспертизаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тегишли хулоса беради, ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика комиссиясининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масаласи юзасидан тегишли қарор қабул қилади.

**12-модда.Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари**

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ҳамда мероси билан боғлиқ географик объектларнинг номлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, асоссиз ўзгартирилишининг олдини олиш;

географик объектларга Ўзбекистон халқининг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар берилишига ҳамда уларнинг номлари шу руҳда ўзгартирилишига йўл қўймаслик;

географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш чоғида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш.

Ушбу Қонун 4-моддаси талабларининг ҳамда географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бошқа қондаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари томонидан бажарилиши устидан назоратни республика комиссияси амалга оширади.

Комиссияларнинг таркиби давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, шунингдек фан ва маданият арбоблари, экспертлар, мутахассислар ҳамда тегишли фаолият соҳаларида махус билимларга эга бўлган бошқа шахслар орасидан шакллантирилади. Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссиялари тегишнча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг раҳбарияти томонидан бошқарилади.

Республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикиси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасининг географик объектларнинг номлари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси:

республика комиссиясининг, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссияларининг тақдимномасига кўра географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказади, ушбу масалалар бўйича тегишли хулосалар ва тавсияларни тайёрлайди ҳамда уларга юборади;

географик объектларнинг номларини нормаллаштириш ишларини амалга оширади;

Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритади;

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари тўғрисидаги ахборотни юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этади.

**14-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларни давлат экспертизасидан ўтказиш**

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг давлат экспертизаси улар географик объектларнинг номларига, мазкур номлар ўзгартирилишига ҳамда белгиланишига кўйиладиган талабларга мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек географик объектларнинг номларини нормаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси томонидан ўтказилади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг давлат экспертизаси:

республика комиссияси томонидан — туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, табиий объектлар, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси томонидан — Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан; вилоятлар комиссиялари томонидан — шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан тумларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга нисбатан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси давлат экспертизаси чоғида топонимик ва бошқа тадқиқотлар ўтказилишини, картографик, архивга доир, тарихий ва бошқа материаллар ҳар томонлама ўрганилишини ташкил этади, географик объектлар номларининг нормаллаштирилишини амалга оширади ҳамда экспертиза якунларига кўра географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги ёхуд мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради, ушбу хулоса тегишли комиссиялар мурожаат этган кундан эътиборан бир ой ичيدا уларга юборилади.

Давлат экспертизасининг хулосаси республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар комиссиялари томонидан хулосалар беришда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси давлат экспертизасини ўтказиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар мутахассисларини, етакчи олимларни, фан ва маданият арбобларини, шунингдек тегишли фаолият соҳаларида махус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни жалб этишга ҳақли.

**15-модда. Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга илова қилинадиган ҳужжатлар**

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришни амалга оширувчи органларга киритиладиган географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

географик объектларга ном бериш ёки уларнинг номларини ўзгартириш зарурлигининг, мақсадга мувофиқлигининг асоси;

географик объектнинг тақлиф этилаётган номи; картография материаллари; географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ҳамда харажатларнинг манбалари; тегишнча республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар комиссияларининг хулосаси; ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисми талабларига мувофиқ ўтказилган давлат экспертизасининг хулосаси.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлифларга географик объектларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда белгиланган мақсади ҳисобга олинган ҳолда бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

## Халқ сўзи

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Географик объектларнинг номлари тўғрисида

**3-боб. Географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш**

**16-модда. Географик объектлар номларининг давлат реестри**

Географик объектлар номларининг давлат реестри географик объектларнинг номларини давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида юритиладиган, ушбу объектларнинг номларига тааллуқли бўлган маълумотларнинг тизимлаштирилган тўпламидир.

Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси географик объектларнинг номлари давлат рўйхатидан ўтказилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритган ҳолда амалга оширади.

Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартиришни амалга оширувчи органлар географик объектларга ном берилганлиги ва уларнинг номлари ўзгартирилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритиш учун ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитасига тақдим этиши шарт.

Географик объектлар номларининг давлат реестрига киритилган географик объектларнинг номлари ҳақидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда тақдим этилади.

**17-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланиш**

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номлари: ўз фаолиятини амалга ошираётганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан;

ўқув нашрларида, картографик, маълумотнома, энциклопедик нашрларда, эълонлар, реклама, йўл белгилари, почта жўнатмаларида фойдаланиш учун мажбурийдир.

Географик объектларнинг рўйхатдан ўтказилган номларидан бошқа ҳолларда ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавҳалар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида ифодаланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси билан келишилган ҳолда, географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотномаларини нашр этади.

**18-модда. Географик объектларнинг номларини сақлаш**

Географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаз қилинади.

Географик объектлар номларининг бирини бошқасига ўзбошимчилик билан алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб қўрсатилган номларидан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

**19-модда. Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат**

Географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назорат белгиланган ваколатлар доирасида:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари; республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ергеодекадастр давлат кўмитаси; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

**4-боб. Яқунловчи қондалар**

**20-модда. Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш**

Географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низоми (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1, 22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 463-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) 12-банди ўн иккинчи хатбошидаги «янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш тўғрисида» тақлифлар киритиш» деган сўзлар «янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, уларга ном бериш ва улар-

нинг номини ўзгартириш тўғрисида тақлифлар киритиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги 276-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 139-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) номидаги «топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
2) муқаддимадаги «маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига,

шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-журофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

- 3) VI, VII ва VIII бўлимлар чиқариб ташлансин;
4) IX бўлимнинг номидаги биринчи жумла чиқариб ташлансин;
5) 24, 25 ва 26-моддалар чиқариб ташлансин;
6) X бўлим чиқариб ташлансин;
7) 30-модданинг биринчи қисмидаги «маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
8) 31-модда чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Геодезия ва картография

тўғрисида»ги 417-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 122-модда) 6-моддасининг ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин: «географик объектларнинг номларини белгилаш, нормаллаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш».

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 12 октябрь № УРҚ-304

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Дарҳақиқат, жаҳоннинг тўқимачилик ва энгил саноати ривожланган давлати бўлиб, заминимизда етиштирилган пахта толасини харид қилишдан умидвор. Мутахассислар хом ашёмизга талаб бу қадар ортиб бориши сабабини унинг саноатбонлиги билан изохлашмоқда. Бу унинг толаси узунлиги, пишқиллиги, ранги ва микро-нейр кўрсаткичлари жиҳатидан устунлигини аниқлатади. Бунга мустақиллик йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бинобарин, истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ноқон селекциячи олимлар зиммасига тезпишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, энг муҳими, юқори сифатли ҳосил берадиган гўза навларини яратишдек масъулиятли вазифа қўйилди. Ҳозир асосий майдонларда шундай талабларга мос келадиган навлар тақомиллаштирилган технологиялар асосида парваришланмоқдаки, пировадидда етиштирилатган «оқ олтин»нинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинмоқда.

ЎЗБЕК ТОЛАСИНИНГ ШУҲРАТИ


йилдан-йилга тобора ошиб, жаҳон бозорида катта талаб ва юксак нуфузга эга бўлмоқда

ни сифатли қайта ишлайдиган, маҳсулотни кафолатли равишда етказиб берадиган ишончли ҳамкор сифатида ўзини кўрсата олди. Натияжада халқаро алоқалар муттасил ривожланиб, хорижий инвестициялар оқими тобора кўпаймоқда. Бу ривожланишнинг «Ўзбек модели» нақадар ҳаётли эканлигини исботловчи яна бир мисолдир, дея таъкидлашди.

— Пахта толаси бозорида савдо фаоллашган ҳозирги пайтда рақобат гўятда кескин тус олди, — дейди «Cotton Bangladesh» халқаро агентлигининг бош муҳаррири К. Ахсан. — Бироқ улар орасида ўзбек толасининг харидорлари бехисоб. Масалан, Бангладешда бу муҳим хом ашёга бўлган йиллик эҳтиёжнинг энг кўп қисми — ўртача 32-33 фоизи юртин-ги пахтаси ҳисобига таъминланади. Эътиборлиси, баъзи мамлакатлар маҳсулотларини нисбатан арзон баҳода тақлиф этишга эга бўлса-да, қайта ишловчилар ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқани мустақамлаш пайидан бўлаяпти. Бунинг сабаби шунки, бу ерда етиштирилаётган пахта ва толаннинг сифати юқоридир.

Юқори сифат, пишқ тола ва тиник ранг. Хорижлик экспортлар ўзбек толасига шундай таъриф беришмоқда. Табиийки, бундай натижа ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Қишлоқ ҳўжалигини таркибий жиҳатдан янгиллаш, деҳқончиликка замонавий

ли маҳсулот тайёрлаб бўлмайдми, — дейди Халқаро тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари федерацияси бош директори К. Шиндлер. — Бу ишлаб чиқаришни изчил модернизация қилиш, тизим корхоналарига замонавий технологик уску-



наларни жорий этишни тақозо қилади. Бироқ сўнгги 10 йиллик таҳлили шуни кўрсатаяптики, дунёнинг кўп қисми давлатларида бу масала эътибордан четда қолмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, айни шу ҳолат 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири оқибатида юзга келган. Ўзбекистонда эса инқироз даврида ҳам бу йўна-

лишга маблағ сарфи сезиларли даражада кўпайтирилиб, ишлаб чиқаришни қайта реконструкция қилиш тадбирлари олиб борилгани эътиборга моликдир.

Хорижий харидорларга маҳсулот етказиб бериш, сертификатлаштириш,

ган маҳсулот бўйича шартномалар тузиш, уни транспортда ташиш масалаларини ҳал қилишлари мумкин.

Бу галги тадбирнинг яна бир эътиборли жиҳати, «Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истикболлари» мавзусидаги сўхбатларда иштирок этиш, етакчи тўқимачилик корхоналари билан узоқ муддатли келишувларга эришиш учун барча шарт-шароит яратилган.

— Тадбир доирасида тўқимачилик маҳсулотларининг кўرғазмаси ўтказилаётгани янги ҳамкорлар топиш, экспорт ҳажмини ошириш, соҳага хориж инвестициясини жалб этиш борасида кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди Тошкент шаҳридаги «ToShKaya» қўшма корхонаси менежери Баҳодир Бердиев. — Бизнинг корхонамизда тола чуқур қайта ишланиб, мавсумий кийим-кечаклар тайёрланади. Уларнинг 95 фоизи экспорт қилинади. Келгусида бу кўрсаткич янада орттиши кутулапти. Чунки ярмарканинг биринчи кунидек 10 дан ортиқ шартномаларни имзоладик.

Тадбирнинг биринчи куниде «Ўзбекенинсангоат» ДАК таркибидеги шундай корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш қилинди. Бу ишлаб чиқарувчиларга қўшимча савдо йўлақларини очиб, янги ҳамкорлар топишга хизмат қилиши мўқаррар.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Саид РАҲИМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО КИНОФОРУМГА ТАРАДДУА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

«Инсон тақдир — туйғулар философияси» ширини остида ўтадиган мазкур кинофорумдан кўзланган мақсад, турли мамлакатлар маданиятининг ўзаро таъсири ва бугунги кун муаммоларининг умумийлигини идрок этишга қаратилган. Мазкур гўя жаҳон кино соҳасининг етук вакиллари томонидан кўллаб-қувватланди. Айни чоғда нуфузли ҳакамлар ҳайъати тузилди. Ҳайъат таркибиде халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонган актёр, режиссёр, киношунос ҳамда продюсерлар бор.

Кинофорум кунларида танловдан ташқари турли дастурлар ҳам тақдим этилади. «Замонавий француз анимацияси», «Замонавий Германия анимацияси», «Муҳрланган вақт» (ҳужжатли кино), «Замонавий ўзбек киноси панорамаси» («Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган замонавий ўзбек фильмлари), «Томошабин билан баб-баробар» (хусусий студияларда суратга олинган энг сара қисқа метражли фильмлар) каби намойишлар шулар жумласидандир.

Тадбир дастуридан ўрин олган премьералар, танлов доирасидаги ва танловдан ташқари экран асарларининг намойиши, маҳорат сабоқлари, илҳомий ўрашув ва анжуманлар, мулоқотлар Ёшлар ижод саройи, Алишер Навоий номидаги кино саройи, Ўзбекистон давлат санъат институти ва бошқа маданият масканларида ўтказилади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Advertisement for «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК. TOHKENT TEMIR YO'L MUHANDISLARI INSTITUTI. стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтига қуйидаги йўналишлар бўйича 2012 ўқув йили учун қабул эълон қилади. List of specialties and dates.

Advertisement for «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ. Auction services in Tashkent. Contact info: 227 774 755, 80 сўм.

Advertisement for «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси. Phosphate fertilizer products. Contact info: 58 152 сўм.

Advertisement for «ТЕКСТИЛЬ ЭКСПО» 2011 йил 16-18 ноябрь. Textile exhibition in Tashkent. Contact info: www.textileexpo.uz

Advertisement for «АГРОБАНК» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ. SWIFT ва VISA. Contact info: 150-25-15, 150-25-42.

Advertisement for Mirzo Ulugbek nomidaги Ўзбекистон Миллий университети. Faculty of Geology and Petrography. Contact info: 150-25-15, 150-25-42.

Advertisement for «ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР. 9.00 дан 18.00 гача. Contact info: 232-11-15, 236-09-25.

Advertisement for ITE Uzbekistan. Textile exhibition services. Contact info: 113 01 80, 237 22 72.

Advertisement for Ufi. Contact info: 150-25-15, 150-25-42.

